

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.17/30.12.2019.Т.06.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

АХТАМОВ ФОЗИЛ ЭРКИНОВИЧ

**РУХ КЕКЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШНИНГ ПАСТ ҲАРОРАТЛИ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

04.00.14 – Фойдали қазилмаларни бойитиш

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Навоий – 2020

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contend of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
of technical sciences**

Ахтамов Фозил Эркинович

Рух кекларини қайта ишлашнинг паст ҳароратли технологиясини ишлаб
чиқиш3

Ахтамов Фозил Эркинович

Разработка низкотемпературной технологии переработки цинковых
кеков.....21

Akhtamov Fozil Erkinovich

Development of low-temperature technology for processing zinc cakes.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.17/30.12.2019.Т.06.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

АХТАМОВ ФОЗИЛ ЭРКИНОВИЧ

**РУХ КЕКЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШНИНГ ПАСТ ҲАРОРАТЛИ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

04.00.14 – Фойдали қазилмаларни бойитиш

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Навоий – 2020

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/T1796 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Навоий давлат кончилиқ институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенашнинг веб-саҳифасида (www.ndki.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдурахмонов Сойиб Абдурахмонович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Муҳиддинов Баходир Фахриддинович
кимё фанлари доктори, профессор

Худояров Сулейман Рашидович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Навоий давлат кончилиқ институти ҳузуридаги DSc. 17/30.12.2019.Т.06.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 11 декабр соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Ғалаба шох кўчаси, 127-уй. Навоий давлат кончилиқ институти мажлислар зали. Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66; e-mail: info@ndki.uz, nsmi@gmail.com.

Диссертация билан Навоий давлат кончилиқ институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (60 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Ғалаба шох кўчаси, 127-уй. НДКИ ректорати биноси, 1-қават Тел.: 0(436)223-23-32; факс: 0(436) 223-00-55.

Диссертация автореферати 2020 йил 27 ноябр куни тарқатилган.

(2020 йил 27 ноябрдаги 25 рақамли реестр баённомаси)




 **К.С. Санақулов**

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

 **Ш.Ш. Заиров**

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

 **И.Т. Мислибаев**

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бугунги кунда дунё миқёсида рух хом ашёларини қайта ишлаш натижасида таркибида рангли ва нодир металллар сақлаган чиқиндилар кўплаб учрамоқда ва натижада полиметаллик рудаларни қайта ишлаш вақтида такомиллаштирилган технологияларни қўллаш ёрдамида йўлдош усулда рангли ва нодир металлларни (Au, Ag, Cu) ажратиб олиш имкони мавжуд. Қимматбаҳо металлларни рух кеклари таркибидаги барча металлларни самарали ажратиб олишга имкон берадиган, паст ҳароратли технологияни яратиш ҳамда амалиётга қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда рух кеклари таркибидаги фойдали компонентларни ажратиб олиш даражасини ошириш, энергия сарфини камайтириш ва қимматбаҳо коксни ишлатишни тўхтатиш юзасидан янги технологиялар ишлаб чиқилмоқда ва бунда асосий эътибор чиқинди кеклар таркибидан металл ажратиб олишнинг умумий ажралиш даражасини оширишга, шунингдек ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг тозалик даражасини кўтаришга ва энергия тежамкор технологияларни яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада қимматбаҳо рангли ва нодир металлларни рух кеклари таркибидан самарали ажратиб олишнинг паст ҳароратли технологияларини ишлаб чиқиш ва мавжуд технологик схемаларни такомиллаштириш кон-металлургия саноати илми ва амалиётининг долзарб вазифалари ҳисобланади. Шу мақсадда айтилиши мумкин бўлган вазифанинг бажарилиши учун нодир металлларни рух кек чиқиндиларидан паст ҳароратли жараёнларни қўллаб ажратиб олиш усулини ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлди.

Республикамизда кон-металлургия саноати, поллиметаллик рудалардан фойдаланиб барча қимматбаҳо металлларни комплекс ажратиб олишнинг янги инновацион ва такомиллаштирилган технологияларни яратишга ва амалиётда жорий қилишга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Саноатни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, маҳаллий хомашё манбаларини чуқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ўзлаштириш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ рух ишлаб чиқариш чиқинди кек маҳсулотларидан қимматбаҳо металлларни тўлиқ ва соф ҳолатда ажратиб олишнинг янги паст ҳароратли технологияларини яратиш ва такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

«Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги, 2019 йил 17 январдаги ПФ-4124-сон «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармонлари, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VIII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Нодир ва рангли металллар сақлаган рудалар, чиқинди хомашёлари ва кеклардан қимматбаҳо металлларни ажратиб олиш саноати ривожига маҳаллий ва хорижий мутахассислар, жумладан Марченко Н. В., Вершинина Е. П., Гильдебрандт Э.М., Снурников А.П., Казанбаев Л.А., Бадалов С.Т., Гариковец В.Г., Митрофанов С.И., Мещанинова В.И., Курочкина А.В., Фельман Р.И., Ушаков К.И., Монгин А.М., Колесников А.В., Пуско А.Г., Такеджанов С.Г., Владимиров Л.П., Востриков В.А., Вострикова Н.М., Санакулов К. С., Абдурахмонов С.А., Юсупходжаев А.А., Хасанов А.С., Талипов Р.М., Турсенбеков А.Х., Холиқулов Д.Б. ва бошқалар салмоқли ҳиссаларини кўшган.

Мавжуд ишлар таҳлиliga кўра, шуни таъкидлаш лозимки, таркибида нодир металллар сақлаган чиқинди кеклардан рангли ва нодир металлларни ажратиб олиш учун комплекс тадқиқотлар (пирометаллургик усулларда қайта ишлаш, вельцлаш усули билан ажратиб олиш, дисстиляциялаш ва ҳ.к.) ўтказилган ва турли усуллар ишлаб чиқилган.

Вельцлаш жараёнининг камчиликлари қуйидагилар:

кокс сарфининг юқорилиги;

жараён ҳароратининг юқорилиги;

кек таркибидаги бошқа қимматбаҳо металлларнинг –Au, Ag, Pb, Cu, Fe ва б. ажратиб олинмаслиги.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, рух кеклари таркибидаги барча металлларни самарали ажратиб олишга имкон берадиган, паст ҳароратли технологияни яратиш долзарб муаммо бўлиб ҳисобланади. Рух кеклари таркибидаги фойдали компонентларни ажратиб олиш даражасини ошириш, энергия сарфини камайтириш ва қимматбаҳо коксни ишлатишни тўхтатиш илмий тадқиқот ишининг илмий-техник вазифаси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Навоий давлат кончилик институти ва «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ илмий-тадқиқот режасининг №02-2091 юр «Рух кекларидан қимматбаҳо металлларни ажратиб олишнинг комбинирланган технологиясини ишлаб чиқиш» (2012 й.); А13-ФК-020123,

A13-050-сон «Рух ишлаб чиқариш чиқиндиси клинкердан рангли ва нодир металлларни ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2012-2014 йй.) мавзуларидаги амалий тадқиқотлар ва илмий-техник лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сув буғи иштирокида термик ишлов бериш, рангли металлларни сульфат кислота эритмасида танлаб эритиш, нодир металлларни цианлаш жараёнларини қўллаган ҳолда рух кеки таркибидан қимматбаҳо компонентларни ажратиб олишни юқори даражага кўтариш ҳамда экологик тоза ва самарали технологиясини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- рух кекининг моддий ва минералогик таркибини ўрганиш;
- сув буғи иштирокида термик ишлов бериш жараёнида рух, мис, темир минералларининг ҳолат ўзгаришларини ўрганиш;
- сув буғи иштирокида термик ишлов бериш жараёнида рух кеки аъзоларининг ҳолат ўзгаришларини экспериментал асослаш;
- куйиндидан рух ва мисни танлаб эритиш учун сульфат кислота эритмасини қўллаш имкониятларини ўрганиш;
- нодир металллар (Au, Ag) ни ажратиб олишни рационал технологиясини танлаш;
- рух кекини қайта ишлашнинг самарали технологиясини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятидаги рух корхонасининг рух кеки танланган.

Тадқиқотнинг предмети рух кекларини қайта ишлашнинг технологиясини яратиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда замонавий комплекс усуллар жамланган, рух ишлаб чиқаришда рух кекини қайта ишлаш бўйича илмий-техник маълумотларни таҳлил қилиш, аналитик усулни қўллаб назарий ўрганишлар, экспериментал тадқиқотлар, кимёвий ва физик-кимёвий усуллар комплекси ёрдамида амалга оширилди: гравиметрик, полярографик, спектрофотометрик таҳлил усуллари, шунингдек, бойитишнинг кимёвий усули, гидрометаллургия усуллари ва тажриба натижаларига статистик ишлов бериш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- рух кекидан олтингугуртни йўқотиш ва рух, мис ҳамда темир минералларининг сув буғи иштирокида термик ишлов бериш жараёнида оксидланиш механизми аниқланди, бундан ташқари 400–700⁰С ҳарорат оралиғида рўй берадиган кимёвий жараёнлар аниқланган;
- сув буғи иштирокида термик ишлов бериш жараёнида олтингугурт бирикмаларининг катализаторлик хусусиятлари аниқланган;
- рух кекидан рангли металлларни сульфат кислота эритмасида танлаб эритиш технологияси ишлаб чиқилган;
- рух кеки таркибидан нодир металлларни ажратиб олишнинг янги такомиллаштирилган технологияси ишлаб чиқилган;

рух кеки таркибидан кимматбаҳо металлларни ажратиб олишнинг сув буғи иштирокида паст ҳароратли куйдириш, сульфат кислотали танлаб эритиш ва цианлаш жараёнларини қўллаб юқори ажралиш даражаси билан ажратиб олишнинг технологик схемаси ва дастгоҳлар занжир схемаси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

чиқинди кеклардан рух, мис ва темир минералларининг паст ҳароратли сув буғи иштирокида термик ишлов бериш жараёнининг технологик параметрлари ўрганилган ва аниқланган;

сув буғи иштирокида термик ишлов берилган рух кекидан мис, рух ва темир металлларининг сульфат кислотали танлаб эритиш жараёнининг термодинамик параметрлари аниқланган;

рух кеки таркибидан қўшимча равишда мис, олтин ва кумушни паст ҳароратли куйдириш, сульфат кислотали танлаб эритиш ҳамда кекни цианлаш жараёнларини қўллаган ҳолда қимматбаҳо компонентларни ажратиб олишнинг янги такомиллаштирилган технологияси йўлга қўйилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги етарли даражада ўтказилган лаборатория ва ярим-саноат тажрибалари, ишлаб чиқилган сув буғи иштирокида паст ҳароратли куйдириш ва сульфат кислотода танлаб эритиш жараёни оптимал режимларини қўллаш орқали асосий компонентни ажратиб олиш даражасининг ошиши ва ишнинг асосий ғоясини миқдор жиҳатидан тасдиқлайди ва қониқарли мос келадиган натижалар асосида, эрувчанлик даражасининг ошганлигини ва олинган мис, олтин ва кумушнинг ажралиш даражасини ошганлигини тасдиқловчи салмоқли ижобий натижалар, шунингдек ижобий лаборатория ва саноат-тажриба синовлари далолатномалари билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти рух кекини қайта ишлашда қўлланиладиган технологик маромни параметрларини асослаш ва жараёнларни рўй бериш қонуниятларини мақсадга мувофиқлигини назарий ва амалий жиҳатдан асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти рух кекини қайта ишлашнинг атроф-муҳитни ҳимоя қилган ҳолда қимматбаҳо компонентларни комплекс ажратиб олишни назарда тутган термохимёвий асосларини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Рух ишлаб чиқаришда рух кекини паст ҳароратли қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

рух кекларини қайта ишлаш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№IAP 05300, 2016 й.). Натижада, рух кекларига сув буғи иштирокида паст ҳароратли куйдириш орқали қимматбаҳо металлларни ажратиб олиш имконини берган;

ҳосил бўладиган рух кекига сув буғи иштирокида термик ишлов бериш, олинган куйиндини сульфат кислота эритмасида танлаб эритиш жараёнлари

«Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖнинг рух ишлаб чиқариш корхонасида амалиётга жорий қилинган («Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2020 йил 17 ноябрдаги 63-423-сон маълумотномаси). Натижада, рангли металлларни эритмага ажратиб олиш даражасини 2–5% га ошган, қолдиқ кекда нодир металлларнинг миқдори ошган ва кўрғошин таркибли маҳсулот олиш имконини берган;

рух кекини сув буғи иштирокида куйдириш, куйиндини сульфат кислота эритмасида танлаб эритиш технологияси «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖнинг рух ишлаб чиқариш корхонасида амалиётга жорий қилинган («Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2020 йил 17 ноябрдаги 63-423-сон маълумотномаси). Натижада, кек таркибидан рангли ва нодир металлларни ажратиб олиш, ҳамда қўшимча кўрғошин таркибли кек олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг натижалари 2 та халқаро ҳамда 5 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 5 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг Патенти мавжуд.

Диссертациянинг тузилиш ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

«Рух кекларини қайта ишлашнинг замонавий аҳволи, назарияси ва технологияси» деб номланган биринчи бобда рух кекларини комплекс қайта ишлашнинг замонавий ҳолати ва ривожланиш даражаси бўйича таҳлил ўтказилган.

Рухни бойитмадан ажратиб олишда 2 та усул: пирометаллургик (дистилляция) ва гидрометаллургик (электролитик) қўлланилади. Тарихан дастлабки усул пирометаллургик усул бўлиб, бу усулнинг технологияси ва дастгоҳларининг тузилиши рухни оксиддан тиклашнинг ўзига хос

хусусиятлари билан боғланган. Рух оксидини углерод ва СО билан металл ҳолигача қайтариш 1000–1100°С ҳароратда рўй беради, бунда олинадиган рухнинг қайнаш ҳарорати эса 906°С га тенг.

Ҳозирги кунда рух хомашёси таркибидаги компонентлардан тўлиқ фойдаланишга, чиқиндисиз технологияни жорий қилишга, юқори маркали рух олишга катта эътибор қаратилмоқда. Кўрсатилган масалаларни ечиш учун рух ишлаб чиқариш саноатида рух бойитмасини гидрометаллургик усулда қайта ишлаш усулидан фойдаланилмоқда.

Рух кекларини қайта ишлайдиган кўшгина корхоналарда рух кеклари пирометаллургия усулида (вельцлаш) қайта ишланади. Аксарят илмий-тадқиқот ишлари ушбу жараёни такомиллаштиришга қаратилган. Аммо вельцлаш жараёнида қимматбаҳо кокс сарфининг юқорилиги, жараённинг юқори ҳароратда кечиши ва ҳосил бўладиган клинкердан металларни ажратиб олишнинг самарали технологияси яратилмаганлиги бу жараённинг етарли даражада самарали эмаслигини билдиради. Адабиётлар таҳлили натижасида рух кекларини қайта ишлашнинг паст ҳароратли ва самарали технологиясини яратиш лозимлиги аниқланди.


«Рух кеклари таркибини тадқиқ қилиш» деб номланган иккинчи бобда объект сифатида олинган ОКМК рух корхонасининг рух кеки кимёвий ва минералогик таркиби ўрганилган. Рух кеки турли формада донатор ҳолда бўлиб, нисбатан йирик бўлаклари 50 мм гача бўлади. Кек намунасини тажрибада тадқиқ қилишга тайёрлаш учун диски майдалагичда янчилди. Рух кекининг кимёвий ва минералогик таркиби таҳлилнинг спектрал, кимёвий ва минералогик усуллари ёрдамида аниқланди.

Минералогик таҳлил натижаларига кўра кек таркибида рух 23 % жумладан, ZnO (0,8%), ZnSO₄ (1,2%), 2ZnO·SiO₂ (3,9%), ZnO·Fe₂O₃ (5,6%), ZnS (11,5%) кўринишида, темир 15,5%, жумладан FeS (2,5%), FeO (4,3%), Fe₂O₃ (8,7%) кўринишида, кўрғошин 6,3%, жумладан PbO (4,4%), PbS (1,9%) кўринишида, мис 3,5%, жумладан CuS (1,6%), CuSO₄ (1,9%) кўринишида учрайди. Олтин ва кумуш металлари асосан эркин ҳолда учрайди.

Рух кекларига сув буғи иштирокида термик ишлов бериш 1-расмда кўрсатилган тажриба жиҳозида амалга оширилди. Тажриба қурилмаси буғ генератори, учирмаларини совитиш ва ушлаш системаси, вакуум насос, ички диаметри 53 мм, узунлиги 517 мм бўлган айланма қувурли электр печидан ташкил топган. Печнинг ички қисми кварцли қувурча билан футеровкаланган, қоплама металлдан тайёрланган. Кварцли қувурчага печни қиздириш учун нихромли сим ўралган. Кожух ва футеровка орасига иссиқликни химояловчи материал - асбест жойлаштирилган. Печда тирковчи роликлар ўрнатилган бўлиб, тишли ғилдирак ва электромотор ёрдамида 8 айл/мин частота билан айланиб туради.

Тажриба қуйидагича олиб борилади: йириклиги -0,1 мм гача янчилган рух кеки 105⁰С ҳароратда доимий оғирликка эришгунча қуритилади ва айланма қувурли печга жойлаштирилади. Печь ҳарорати 250⁰С га етганда печга буғ генераторидан қиздирилган сув буғи бериб бошланади. Чиқинди газлар кетма-кет ютувчи идишлар орқали ўтказилади. Ютувчи идишларда

мис сульфат ва водород пероксид эритмалари бўлади. Тажриба тугагандан сўнг печь совитилади, намуна печдан бўшатилиб, тарозида тортилиб, дастлабки ва охириги масса фарқи аниқланади. Олинган куйинди танлаб эритиш учун хомашё ҳисобланади.



- | | | | |
|--------------------------|-----------------------|--|---------------------|
| 1. Айланма қувурли печь. | 5. Буғгенератор | 9. Манометр. | 13. Кварцли қувур. |
| 2. Туташтирувчи халқа. | 6. Спираль. | 10. Ҳаво насоси. | 14. Нихром спирали. |
| 3. Графитли контакт. | 7. Автотрансформатор. | 11. Шиша шар | |
| 4. Электромотор. | 8. Совитгич | 12. Печь қиялигини кўрсатувчи кўрсатгич. | |

1-расм. Рух кекини сув буғи иштирокида термик қайта ишлаш тажриба қурилмаси

«Рух кекларига сув буғи иштирокида термик ишлов беришни тадқиқ қилиш» деб номланган учинчи бобда рух кекларига сув буғи иштирокида термик ишлов бериш жараёни тадқиқ қилинган. Маълумки, рух бойитмаларини куйдириш жараёнида ферритларнинг ҳосил бўлиши натижасида танлаб эритиш жараёнида рухнинг маълум миқдори кек таркибида қолади. Рух билан биргаликда танлаб эритиш қолдиғида тўлиқ миқдорда қўрғошин, олтин ва қумуш қолади.

Тадқиқотлар рух кеки таркибидаги минералларнинг 400-900⁰С ҳароратда ҳолат ўзгаришларини термодинамик ўрганишга йўналтирилди.

Рух кекига сув буғи иштирокида термик ишлов берилганда кўпгина кимёвий реакциялар содир бўлади ва уларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Олтингугуртли минераллар (сфалерит, пирит, галенит ва б.) нинг оксидланиши.


2. Силикат ва ферритларнинг сув буғи билан кислород ва олтингугурт (IV) оксиди иштирокида парчаланиши.

Аниқландики, элементар олтингугуртнинг учиши 150-200⁰С ҳароратда, арсенопирит ва пиритнинг парчаланиши 450-500⁰С ҳароратда рўй берар экан. Пирит, арсенопирит ва халькопиритнинг тўлиқ парчаланиши ~700⁰С ҳароратда тугалланади. Бунда газ фазасига олтингугурт тўрт оксиди каби энгил учувчан компонентлар ўтади.


Элементар олтингугурт рух кекларида эркин ҳолда ва органик бирикмалар ҳолида бўлади. Бундан ташқари у турли реакциялар натижасида, жумладан, сфалерит, пирит, халькопирит, арсенопиритларнинг парчаланиши

натижасида ҳам ҳосил бўлади. Сув буғи иштирокида термик ишлов бериш жараёнида у қаттиқ, суяқ ва газсимон ҳолда учраши мумкин.


Сув буғи иштирокида термик ишлов бериш жараёнида рух феррити сув буғи билан олтингугурт (IV) оксиди иштирокида қуйидаги реакция бўйича рух сульфати ҳосил қилиб парчаланadi:



Сфалерит сув буғи билан кислород иштирокида қуйидаги реакция бўйича таъсирлашади:



Мис сульфиди сув буғи билан кислород иштирокида термик ишлов бериш жараёнида қуйидаги реакция бўйича оксидланади:




Шундай қилиб, термодинамик ҳисоблашлар қуйидагиларни кўрсатди:

1. Сув буғи билан сульфидларнинг оксидланиши кислород иштирокида ва кислородсиз амалга ошиши мумкин. Кек таркибидаги элементар олтингугурт ва сульфидларнинг парчаланишидан ҳосил бўлган олтингугурт сув буғи билан реакцияга киришиб олтингугурт (IV) оксиди ҳосил қилади ва кейинчалик олтингугурт (IV) оксиди сульфидли минераллар билан таъсирлашади.

2. Термодинамик ҳисоблашлар шуни кўрсатадики рух кекларига сув буғи иштирокида термик ишлов бериш жараёнида рух сульфиди (ZnS) рух оксидига (ZnO), рух феррити (ZnO·Fe₂O₃) ZnSO₄ ва Fe₂O₃ га, мис мис оксидига (CuO), темир сульфидлари магнетит (Fe₃O₄) ҳолатига ўтади.


Сув буғи иштирокида термик ишлов бериш жараёнини таъсирини билиш мақсадида қуйинди сульфат кислота эритмаси билан танлаб эритилди. Тажрибанинг барча маҳсулотлари кимёвий таҳлилга берилди. Тадқиқотлар ўтказиш давомида сув буғи иштирокида термик ишлов бериш жараёни ҳароратини турли металлларни эритмага ажратиб олиш даражасига боғлиқлиги ўрганилди. Тажрибалар 400-800⁰С ҳароратда ўтказилди. Тажриба натижалари 2-расмда берилган.



2-расм. Металлларни эритмага ўтиш даражасини сув буғи иштирокида термик ишлов бериш ҳароратига боғлиқлик графиги

Тажриба натижаларига асосланиб 600⁰С ҳароратда сув буғи иштирокида термик ишлов бериш металлларни сульфат кислотали эритмага ўтказиш даражасига яхши таъсир кўрсатишини айтиш мумкин. 600⁰С дан юқори ҳароратда ишлов берилган Zn ва Cu нинг эритмага ажратиб олиш даражаси сезиларли даражада ошмайди. Шунинг учун рух кекларига сув буғи иштирокида термик ишлов беришнинг оптимал ҳароратини 600⁰С деб қабул қилиш мумкин.

Рух кекларига сув буғи иштирокида термик ишлов бериш давомийлигини металлларни эритмага ажратиб олиш даражасига боғлиқлигини ўрганиш мақсадида 0,5; 1; 1,5; 2 ва 2,5 соат вақт давомида тажрибалар ўтказилди. Ўтказилган тажрибалар натижалари 3-расмда келтирилган.



3-расм. Металлларни эритмага ажратиб олиш даражасини сув буғи билан термик ишлов бериш давомийлигига боғлиқлиги

Оптималъ ҳароратда рух кекига сув буғи иштирокида термик ишлов бериш давомийлигининг ортиши куйинди массасини камайишига ва куйиндида рух ва бошқа металлларнинг концентрациясининг ортишига олиб келади. Олинган тажриба натижалари ва иқтисодий мулоҳазаларга асосланиб рух кекларига сув буғи иштирокида термик ишлов беришнинг ҳарорати 600⁰С ва ишлов бериш давомийлигини 1 соат деб қабул қилиш мумкин. Олинган куйиндининг кимёвий таркиби 1-жадвалда берилган.

1-жадвал

Куйиндининг кимёвий таркиби


Элементлар	Zn	Cu	Cd	Fe	S _s	Pb	SiO ₂	Al ₂ O ₃	Au	Ag
Микдори, %	25,2	4,02	0,11	18,8	0,2	6,98	12,1	4,6	0,92	224,3
									г/т	г/т

Куйиндини сульфат кислота эритмасида танлаб эритишда турли омилларнинг таъсири ўрганилди. Рух кекига сув буғи иштирокида термик ишлов бериш натижасида олинган маҳсулотни танлаб эритишда сульфат кислота эритмаси мос келади. Сульфат кислотаси оксидли рух минералларини яхши эритувчиси бўлиб, бунда кумушни эриш даражаси

юқори эмас, олтин эса амалда эримайди. Танлаб эритишда сульфат кислота эритмасини қўллаш шуниси билан аҳамиятлики, бунда рух сульфати эритмаси ҳосил бўлиб, уни рух ишлаб чиқариш корхонасининг асосий жараёни эритмасига қўшиб юбориш мумкин бўлади. Бундан ташқари сульфат кислота таннархининг пастлиги ва гидрометаллургик жараёнлар дастгоҳларига кучсиз коррозион таъсири билан ажралиб туради.

Рух оксидини сульфат кислота эритмасида яхши эриши куйиндини танлаб эритиш жараёнини турли омилларга (жараён давомийлиги, ҳарорат, бўтана зичлиги, эритувчи концентрацияси) боғлиқлигини ўрганишга асос бўлди. Бундан ташқари, хомашёни комплекс қайта ишлашни инобатга олиб рух ва миснинг қимматбаҳо йўлдошларини (Pb, Ag ва б.) сульфат кислотали эритмада ўзгаришларини тадқиқ қилиш муҳим ҳисобланади. Куйиндида металллар асосан оксиди ҳолда учрайди. Рух кекига сув буғи иштирокида термик ишлов бериш маҳсулотини (кейинчалик куйинди) сульфат кислота эритмаси билан танлаб эритишда асосий минераллар ва қўшимчалар (ZnO, PbO, FeO, Fe₂O₃ ва б.) билан реакциялар кечади.

Лаборатория шароитида турли омилларни (ҳарорат, кислота концентрацияси, танлаб эритиш вақти, бўтана зичлиги ва б.) металлларни эритмага ўтиш даражасига таъсири тадқиқ қилинди. Куйиндини танлаб эритишда рух ва бошқа металлларни эритмага ажратиб олиш даражаси 60⁰С ҳароратда (К:С=1:5) сульфат кислота концентрациясига маълум даражада боғлиқ бўлади. Тажриба натижалари 4-расмда берилган.




4-расм. Металлларни эритмага ажратиб олиш даражасини H₂SO₄ концентрациясига боғлиқлиги

Олиб борилган тажрибалар натижасига кўра эритмада сульфат кислота концентрациясини ортиши билан (150 г/л гача) металлларни эритмага ўтиш даражаси ортади. Сульфат кислота концентрациясини 150 г/л дан ҳам ошириш рухни эритмага ўтиш даражасига сезиларли таъсир кўрсатмайди, аммо қўшимча металллар (айниқса темир) ни эритмага ўтиш даражаси ошиб кетади. Шунинг учун, куйиндини танлаб эритишда эритмада сульфат кислота концентрациясини 150 г/л гача бўлиши тавсия этилади.

Куйиндидан рухни танлаб эритиш давомийлигини ўрганиш шуни кўрсатадики, дастлабки босқичда (60 минутгача) рухни эритмага ўтиши жуда

тезлик билан бўлиб, маълум вақтдан (120 минут) кейин динамик мувозанатга эришади. Тажриба натижалари 5-расмда берилган.



5-расм. Металларни эритмага ўтиш даражасини танлаб эритиш давомийлигига боғлиқлиги

Куйинди ва сульфат кислота эритмасини аралаштириш вақтини оширилиши, эритмада қўшимча металлларнинг концентрациясини ошишига олиб келади. Куйиндини сульфат кислота эритмаси билан аралаштирганда биринчи навбатда рух ва миснинг оксидли минераллари реакцияга киришади. Темир ва кумуш нисбатан секин таъсирлашади. Шунинг учун, рухни юқори миқдорда ажратиб олиш ва қўшимча металлларни кам эритмага ўтиши учун танлаб эритиш вақтини 2 соат деб қабул қилиш мумкин.

Кўпгина кимёвий реакциялар тезлиги ҳароратнинг ортиши билан тезлашади. Куйинди таркибидаги металлларни танлаб эритиш учун ҳароратнинг таъсири ўрганилди. Тажриба натижаларига кўра дастлаб танлаб эритиш ҳароратининг ошиши билан рухнинг эритмадаги концентрациясини секин ортиши кузатилади. Ҳарорат 40⁰С дан кўтарилганда рухнинг эритмага ўтиши тезлаша бошлайди. Бу нисбатан юқори ҳароратда ZnSO₄ нинг тезроқ ҳосил бўлиши билан тушунтирилади. Тажриба натижаларига кўра ҳароратни ортиши танлаб эритиш тезлигини ортишига сабаб бўлади, аммо ҳароратни 80⁰С дан юқори бўлиши рухни эритмага ўтишига кам таъсир кўрсатсада, қўшимча металлларнинг эритмага ўтиши тезлашиб кетади.

Бўтанани бир хил зичликка эга бўлишини таъминлаш механик аралаштирувчи қурилма ёрдамида амалга оширилди. Тажриба натижаларига асосан бўтанани аралаштириш тезлигининг ортиши билан рухни эритмага ўтиш даражаси ортади. Аралаштириш тезлигини тўғри танлаш металлларни эриш тезлигини оширишга эришиш учун муҳим омил бўлиши мумкин. Аммо, жараён тезлиги аралаштиришнинг маълум бир частотасигача ортади сўнгра эса камай бошлайди.

Шундай қилиб, сув буғи иштирокида ишлов берилган рух кекини сульфат кислотали танлаб эритиш учун қуйидаги оптимал шароитлар аниқланди: дастлабки эритмада сульфат кислота концентрацияси 125-150 г/л, ҳарорат 75-80⁰С, танлаб эритиш давомийлиги 2 соат. Бу шароитда рухнинг

эритмага ўтиш даражаси 95-96 %, темирники 28,1 %, кекнинг куйиндига нисбатан чиқиши 58-60%.

«Сульфат кислота эритмасида танлаб эритишдан қолган қолдиқдан олтин ва кумушни ажратиб олиш» деб номланган тўртинчи бобда нодир металлларни тиосульфат, тиомочевина ва натрий цианид эритмаси билан танлаб эритиш жараёнилари ўрганилган.

Нодир металлларни эритувчи истикболли эритувчилардан бири кам заҳарли натрий тиосульфат эритмасидир. Тиосульфатли танлаб эритишда асосий ўринни ҳарорат омили эгаллайди. Олтиннинг эришини сезиларли даражада ортиши ҳарорат 50⁰С дан юқори бўлганда бошланади. Ҳарорат 90⁰С дан юқори бўлганда олтиннинг тиосульфатда эриши циан эритмасида эришидан 30 марта юқори бўлади. Аммо бу шароитда эритмада кислород концентрацияси паст бўлиб, эритмага турли оксидловчилар берилиши талаб қилинади.

Танлаб эритиш ҳажми 500 мл бўлган стаканда магнитли аралаштиргич ёрдамида амалга оширилди. Тажриба бошлангандан 2,4,8 ва 24соатдан сўнг эритмадан таҳлил учун намуналар олиниб, эритманинг рН муҳити ва эритмадаги металл концентрацияси аниқланди. Дастлабки тажрибалар Na₂S₂O₃ нинг 4г/дм³ эритмаси билан Қ:С=1:5 бўлган шароитда амалга оширилди.

Дастлабки кекдаги металллар миқдори, г/т: Au-1,62, Ag-274,4. Тажриба натижаларидан кўринадикки 10 соат давомида тиосульфат эритмаси билан танлаб эритилганда металлларнинг эритмага ўтиш даражаси етарли даражада юқори эмас. Танлаб эритиш давомийлигининг бундан ҳам ортиши металлларнинг эритмага ўтиш даражасига сезиларли таъсир кўрсатмайди. Металлларнинг эритмага ўтиш даражасига ҳарорат омили муҳим ўрин эгаллаганлиги сабабли 25⁰С дан 95⁰С гача бўлган ҳароратларда тажрибалар ўтказилди. Ҳарорат 25⁰С бўлганда металлларнинг эритмага ўтиш даражаси жуда кичик Au-14.24%, Ag-9.4% ни ташкил қилади. Ҳарорат 85-95⁰С гача ортганда металлларни эритмага ўтиш даражаси сезиларли даражада ортиб Au-63,6%, Ag-56,4% га етади.

Олтин ва кумушни тиокарбамидли танлаб эритиш ўтган асрнинг 40-йилларида таклиф қилинган бўлиб, у тиокарбамид (тиомочевина) оксидланмайдиган кислотали муҳит рН=2-4 да олиб борилади. Оксидловчи сифатида одатда уч валентли темир сульфати (Fe₂(SO₄)₃) ёки водород пероксид ишлатилади. Танлаб эритиш тезлиги эритманинг рН муҳитига ва тиомочевина билан оксидловчининг концентрациясига боғлиқ бўлади.

Лаборатория шароитида сув буғи иштирокида термик ишлов бериб олинган куйиндини сульфат кислотали танлаб эритишдан қолган қолдиқни тиомочевинали танлаб эритиш жараёни ўрганилди. Танлаб эритиш ҳажми 500 мл ли стаканда магнитли аралаштиргич ёрдамида амалга оширилди. Намуна массаси 100 г, фазалар нисбати Қ:С=1:4. Тиомочевинали танлаб эритишга вақтнинг таъсирини ўрганиш тиомочевинанинг 0,5%, сульфат кислотанинг 1,8%, водород пероксиднинг 0,33% эритмаси билан олиб борилди. Тажриба натижаларига кўра танлаб эритиш вақти 2 соат бўлганда

Au-68%, Ag-76% эритмага ўтади. Аниқландики, танлаб эритиш вақти 2 соатдан олти соатгача оширилганда металлларнинг эритмага ўтиш даражаси максимал қийматга эришади, яъни Au-89%, Ag-96% эритмага ўтади. Танлаб эритиш вақтини бундан орттириш олтин ва кумушни эритмага ўтиш даражасини оширмайди. Металлларни эритмага ўтиш даражасига тиомочевина концентрациясининг таъсири ўрганилди. Эритмадаги тиомочевина концентрацияси 0,25 дан 2% гача оширилиб сульфат кислота концентрацияси ўзгармас 1,8%, водород пероксид концентрацияси ўзгармас 0,33% га тенг бўлди. Танлаб эритиш вақти 6 соатни ташкил қилди. Тажриба натижаларига асосан олтин ва кумушни эритмага ўтиш даражаси тиомочевина концентрациясига тўғри пропорциональ эканлигини айтиш мумкин. Тиомочевина концентрацияси 0,5% га тенг бўлганда металлларнинг эритмага ўтиш даражаси Au- 71%, Ag-79% га, тиомочевина концентрацияси 2% га тенг бўлганда металлларнинг эритмага ўтиш даражаси Au- 88%, Ag-94% га тенг бўлади. Тиомочевина концентрациясини 2% дан оширилиши металлларни эритмага ўтиш даражасини ортишига олиб келмайди.

Олтин ва кумушни тиомочевина эритмасида танлаб эритишда кислотали муҳитнинг таъсири ўрганилди. Сульфат кислота эритмага 0,9% дан 2,8% гача берилди. Тажрибалар тиомочевинанинг 2% ли эритмасида 0,33% водород пероксид иштирокида 6 соат давомида аралаштирилиб олиб борилди. Сульфат кислота концентрацияси 1,9 % га етгунча металлларни эритмага ўтиш даражаси ортиб бориб, Au-88% га Ag-95% га эришади. Сульфат кислота концентрациясини бундан ҳам ортиши металлларни эритмага ўтиш даражасига сезиларли таъсир кўрсатмайди. Шундай қилиб, танлаб эритишни сульфат кислотанинг 1,9% ли эритмаси билан олиб борган маъқул ҳисобланади. Тиомочевинали танлаб эритишда оксидловчи сифатида водород пероксид ишлатилди. Металлларни эритмага ўтиш даражасини оксидловчининг концентрациясига боғлиқлиги ўрганилди. Тажрибада тиомочевина концентрацияси 2%, сульфат кислота концентрацияси 1,9%, тажриба давомийлиги 6 соатда ўрганилди. Тажриба натижаларига асосан водород пероксиднинг концентрацияси 0,16% бўлганда металлларни ажратиб олиш даражаси Au-69%, Ag-75% га, оксидловчи концентрацияси 0,33% бўлганда металлларни ажратиб олиш даражаси Au-88%, Ag-92% га тенг бўлар экан.

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқотлар натижасида тиомочевинали танлаб эритишнинг қуйидаги оптималь параметрлари аниқланди: тиомочевина концентрацияси -2%, сульфат кислота концентрацияси -1,9%, водород пероксид концентрацияси 0,33%, танлаб эритиш вақти – 6 соат бўлганда металлларни эритмага ўтиш даражаси Au-88%, Ag-92% га тенг бўлди.

Ҳозирги кунда олтин ва кумушни циан эритмаси билан танлаб эритиш кенг қўлланилаётган самарали усуллардан биридир. Цианлаш жараёнининг маромини ўрганиш мақсадида тажрибалар олиб борилди. Дастлабки кекдаги металллар миқдори, г/т: Au-1,62, Ag-274,4.

Лаборатория шароитида сув буғи иштирокида термик ишлов бериб олинган куйиндини сульфат кислотали танлаб эритишдан қолган қолдиқни циан эритмаси билан танлаб эритиш жараёни ўрганилди. Танлаб эритиш ҳажми 500 мл ли стаканда магнитли аралаштиргич ёрдамида амалга оширилди. Намуна массаси 100 г, фазалар нисбати Қ:С=1:1,5. Цианлашга вақтнинг таъсирини ўрганиш натрий цианиднинг 0,1%, СаО нинг 0,2% эритмаси билан олиб борилди.


Тажриба натижаларига кўра танлаб эритиш вақти 6 соат бўлганда Au-68%, Ag-76% эритмага ўтади. Аниқландики, танлаб эритиш вақти 6 соатдан 24 соатгача оширилганда металлларнинг эритмага ўтиш даражаси максимал қийматга эришади, яъни Au-89%, Ag-96% эритмага ўтади. Танлаб эритиш вақтини бундан орттириш олтин ва кумушни эритмага ўтиш даражасини оширмайди.

Металларни эритмага ўтиш даражасига натрий цианид концентрациясининг таъсирини ўрганилди. Эритмадаги натрий цианид концентрацияси 0,1 дан 0,5% гача оширилиб тажрибалар ўтказилди. Танлаб эритиш вақти 24 соатни ташкил қилди.

Тажриба натижаларига асосан олтин ва кумушни эритмага ўтиш даражаси натрий цианид концентрациясига тўғри пропорционал эканлигини айтиш мумкин. Натрий цианид 0,1% га тенг бўлганда металлларнинг эритмага ўтиш даражаси Au- 71%, Ag-79% га, натрий цианид концентрацияси 0,5% га тенг бўлганда металлларнинг эритмага ўтиш даражаси Au- 92%, Ag-96% га тенг бўлади. Натрий цианид концентрациясини 0,5% дан оширилиши металлларни эритмага ўтиш даражасини сезиларли даражада ортишига олиб келмайди. Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқотлар натижасида цианлашнинг қуйидаги оптимал параметрлари аниқланди: NaCN концентрацияси -0.5%, танлаб эритиш вақти – 24 соат бўлганда металлларни эритмага ўтиш даражаси Au-92%, Ag-96% га тенг бўлди.

«Технологияни йириклашган тажриба шароитида ўрганиш» деб номланган бешинчи бобда рух кекига сув буғи иштирокида термик ишлов бериш, сув буғи иштирокида термик ишлов берилган рух кекини сульфат кислота эритмасида танлаб эритиш жараёнлари йириклашган тажриба шароитида ўрганилган. Олиб борилган тадқиқот натижаларига асосан рух кекларини қайта ишлаш учун 6-расмда келтирилган технологик схема тавсия этилади.

1000 тонна рух кекини қайта ишлаш натижасида кутилаётган йиллик иқтисодий самара 543135000 сўмни ташкил қилади. Таклиф қилинаётган технология бўйича қайта ишлаш учун киритиладиган харажатларни қоплаш муддати 1 йилдан кам вақтни ташкил этади.



6-расм. Рух кекларини қайта ишлаш учун тавсия этилаётган технологик схема

ХУЛОСА

«Рух кекларини қайта ишлашнинг паст ҳароратли технологиясини яратиш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотларга асосланган ҳолда, назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Рух кеки турли формада дондор ҳолда бўлиб, нисбатан йирик бўлаклари 50 мм гача бўлади. Шунинг учун рух кекига сув буғи иштирокида термик ишлов бериш жараёнини олиб бориш учун кекни ўлчами 0,1 мм гача янчишни талаб қилади.

2. Рух кекининг таркиби ва хоссалари тўлиқ ўрганиб чиқилди ва унинг таркибида рух 23 % жумладан, ZnO (0,8%), ZnSO₄ (1,2%), 2ZnO·SiO₂ (3,9%), ZnO·Fe₂O₃ (5,6%), ZnS (11,5%) кўринишида, темир 15,5%, жумладан FeS (2,5%), FeO (4,3%), Fe₂O₃ (8,7%) кўринишида, қўрғошин 6,3%, жумладан PbO

(4,4%), PbS (1,9%) кўринишида, мис 3,5%, жумладан CuS (1,6%), CuSO₄ (1,9%) ҳолда учраши ҳолати кўзатилади.

3. Тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики қиздириш натижасида мураккаб сульфидларнинг 450-700⁰С ҳарорат оралиғида кўп босқичли парчаланиши кузатилади. Шундай қилиб, 600-700⁰С ҳароратда халькопирит, арсенопирит, пирит, борнит ва бошқа бир қанча минералларнинг парчаланиши ва сфалерит, мис сульфидларининг оксидланиши кузатилади. Рух кекига сув буғи иштирокида термик ишлов бериш жараёнида рух сульфиди (ZnS) рух оксидига (ZnO), рух феррити (ZnO·Fe₂O₃) ZnSO₄ ва Fe₂O₃ га, мис мис оксидига (CuO), темир сульфидлари магнетит (Fe₃O₄) ҳолатига ўтади.

4. Рух кекларини сув буғи иштирокида термик ишлов бериш усули билан қайта ишлаш жараёни тажрибалар асосида ўрганилди ва жараёни ўтказишнинг қуйидаги оптимал шароитлари аниқланди: ҳарорат 600⁰-700⁰С, ишлов бериш давомийлиги 1-1,5 соат, сув буғи сарфи 100 л/т. Бу шароитда куйиндининг чиқиши 92,5 % бўлиб, унда рух 25,19% бўлади.

5. Аниқландики, сув буғи иштирокида термик ишлов бериш натижасида олинган куйиндидан металлларни танлаб эритиш учун сульфат кислота эритмаси жуда мос келади. Танлаб эритиш учун аниқланган оптимал шароитлар қуйидагилар: танлаб эритиш давомийлиги 2 соат, H₂SO₄ концентрацияси 150 г/л, танлаб эритиш ҳарорати 80⁰С. Бу шароитда рухни эритмага ўтиш даражаси 94,7% , мисники 82,6 % бўлиб, кекнинг чиқиши 59-60%. Олинган эритма таркибида рух - 45÷46 г/л; мис—6÷6,3 г/л; темир – 10÷11 г/л ни ташкил этади.

6. Сув буғи иштирокида термик ишлов бериб олинган куйиндини сульфат кислотали танлаб эритишдан қолган қолдиқдан олтин ва кумушни ажратиб олиш учун энг мақбул усул циан эритмаси билан танлаб эритиш эканлиги аниқланди. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида цианлашнинг қуйидаги оптимал параметрлари аниқланди: NaCN концентрацияси -0.5%, танлаб эритиш вақти – 24 соат бўлганда металлларни эритмага ўтиш даражаси Au-92%, Ag-96% га тенг бўлди.

7. Тадқиқот натижаларига асосан рух кекларини самарали қайта ишлашнинг технологик ва дастгоҳларнинг занжир схемаси тавсия этилди ва техник-иқтисодий кўрсаткичлари аниқланди. Унга асосан 1000 т рух кекини қайта ишлаш бўйича кутилаётган иқтисодий самара 543135000 сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.17/30.12.2019.Т.06.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
НАВОЙСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ГОРНОМ ИНСТИТУТЕ**

НАВОЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ГОРНЫЙ ИНСТИТУТ

АХТАМОВ ФОЗИЛ ЭРКИНОВИЧ

**РАЗРАБОТКА НИЗКОТЕМПЕРАТУРНОЙ ТЕХНОЛОГИИ
ПЕРЕРАБОТКИ ЦИНКОВЫХ КЕКОВ**

04.00.14 – Обогащение полезных ископаемых

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии по техническим наукам (PhD)

Навои – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2020.3.PhD/T1796

Диссертация выполнена в Навоийском государственном горном институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) размещен на веб-странице научного совета (www.ndki.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Абдурахмонов Сойиб Абдурахмонович**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Муриддинов Баходир Фахриддинович**
доктор технических наук, профессор

Худояров Сулейман Рашидович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: **Ташкентский государственный технический университет имени Ислама Каримова**

Защита диссертации состоится 11 декабря 2020 года в 13⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.17/30.12.2019.T.06.01 (Адрес: 210100, г. Навои, ул. Галаба шох, 127. Зал заседаний Навоийского государственного горного института. Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66; e-mail: info@ndki.uz, nsmi@gmail.com).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Навоийского государственного горного института (зарегистрирован за №60). Адрес: 210100, г. Навои, ул. Галаба шох, 127. Здание ректората НГГИ, 1-й этаж. Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-00-55.

Автореферат диссертации разослан 27 ноября 2020 года.

(реестр протокола рассылки №25 от 27 ноября 2020 года).



К.С.Санакулов

Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

Ш.Ш.Заиров

Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

И.Т.Мислибаев

Председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире на сегодняшний день встречаются в большом количестве отходы, содержащие цветные и благородные металлы образующиеся в результате переработки цинкового сырья, в результате во время переработки полиметаллических руд с применением усовершенствованной технологии попутно извлекать цветные и благородные металлы (Au, Ag, Cu). Создание и применение на практике низкотемпературной технологии, дающей возможность эффективно извлекать благородные металлы из состава цинковых кеков.

В мире разрабатываются новые технологии для увеличения извлечения полезных компонентов из состава цинковых кеков, снижения энергопотребления и прекращения использования дорогостоящего кокса с упором на повышение общей степени извлечения металла из состава кеков, а также на повышение чистоты получаемых продуктов и создании энергоэффективных технологий. особое внимание также уделяется созданию технологий. В связи с этим разработка низкотемпературных технологий эффективного извлечения цветных и драгоценных металлов из составов цинковых кеков и совершенствование существующих технологических схем являются актуальными задачами науки и практики горно-металлургической промышленности. С целью выполнения данной задачи он определяет разработку метода извлечения благородных металлов из отходов цинкового кека с использованием низкотемпературных процессов.

В Республике Узбекистан исследования по совершенствованию технологии производства цветных металлов получили новое развитие при использовании техногенных отходов производства в виде сырья, цветных и благородных металлов. В стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены задачи «Повышения промышленности на качественно новый уровень, глубокой переработки местных источников сырья, ускорения производства готовой продукции и освоения технологий»¹. В связи с этим большое значение имеют исследования, направленные на создание и совершенствование новых низкотемпературных технологий полного отделения в чистом виде драгоценных металлов из кеков отходов цинкового производства АО «Алмалыкский горно-металлургический комбинат».

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», УП-4124 от 17 января 2019 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности предприятий горно-металлургической отрасли», в Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-3682 от 27 апреля 2018 года «О

¹ Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»

мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и проектов», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VIII. «Науки о земле (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья)».

Степень изученности проблемы. В области развития извлечения драгоценных металлов из рудного сырья содержащего благородные и цветные металлы, а также из кеков и вторичного сырья внесли свой значительный вклад такие зарубежные и отечественные ученые как Марченко Н. В., Вершинина Е. П., Гильдебрандт Э. М., Снурников А. П., Казанбаев Л.А., Бадалов С.Т., Гариковец В.Г., Митрофанов С.И., Мещанинова В.И., Курочкина А.В., Фельман Р.И., Ушаков К.И., Монгин А.М., Колесников А.В., Пуско А.Г., Такеджанов С.Г., Владимиров Л.П., Востриков В.А., Вострикова Н.М., Санакулов К. С., Абдурахмонов С.А., Юсупходжаев А.А., Хасанов А.С., Талипов Р.М., Турсенбеков А.Х., Холикулов Д.Б. и др.

В соответствии с анализом существующих работ следует отметить, что были проведены комплексные исследования (переработка пирометаллургическими методами, извлечение с помощью вельцевания, дистилляция и т.д.) и разработаны различные методы для извлечения цветных и благородных металлов из отходов кеков, содержащих благородные металлы.

Недостатками вельц процесса являются:

большой расход дорогого и дефицитного кокса;

высокотемпературный режим процесса;

нерешенность вопроса извлечения других ценных компонентов – Au, Ag, Pb, Cu, Fe и др. из состава кека.

